

«Исломга бағишланган умр» ҳужжатли фильмини кўриб...



15:04 / 13.04.2022 5101

Умрлар бор тириклигида ўликдир. Умрлар бор киши вафотидан кейин ҳам тирикдир...

Кеча таровех намозидан қайтар эканман, телефонимда islom.uz канали орқали Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг умр йўлларини акс эттирувчи икки қисмдан иборат «Исломга бағишланган умр» ҳужжатли фильмининг намоиши ҳақидаги хабарга кўзим тушди. Уйга етиб боргунча сабрим чидамай, йўл-йўлакай томоша қилиб келдим.

Бир неча бўлимдан иборат мазкур фильмни томоша қилар экансиз, Ҳазратнинг яқинлари, дўст-қадрдонлари, шогирдлари ва замонамизнинг таниқли олиму фузалоларининг у киши ҳақидаги хотиралари орқали шайх

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф шахсиятини қайтадан кашф этасиз. Бутун бошли бир жамоанинг узоқ вақтдан бери олиб борган ишларининг ҳосиласи бўлмиш бу фильм фақатгина бир кишининг ҳаётидан гапирмай, давр сиёсати, муаммолари, Ҳазратнинг атрофларида ўша пайтда авж олган фитналар ва у кишининг буларга қарши тутган оқилона йўллари ҳақида ҳикоя қилади. Бир сўз билан айтганда, бу фильм нафақат Исломга, балки оғир дамларда миллатимизнинг дину диёнатини сақлаб қолишга умрини бағишланган ҲАЗРАТИ ИНСОНнинг ҳаёт ҳикояси!

Тўрт соатдан ортиқ вақт давом этадиган бу фильмга кетган вақтингизга ачинмайсиз, иншааллоҳ...

Islomga bag'ishlangan umr 1-qism: <https://youtu.be/KsQ8mTS7lbo>

Islomga bag'ishlangan umr 2-qism: <https://youtu.be/LUIhx4wXyu8>

Маҳкам

журнали масъул котиби

Маҳмуд

«Ҳилол»